Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 20 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 73 (7268)

Da'vat

Энг мақбул фазилат — Ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматда.

Жак ДЕЛИЛ

Ibrat

Усмон Юсупов туманида фаолият кўрсатаётган "Умид" ҳамда "Жумақул бобо" фермер хўжаликлари Абдулла Набиев номидаги ўрта мактабда ўқиётган кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 65 минг сўмлик дарсликлар туҳфа этишди.

ТОШКЕНТДА ДУНЁНИНГ БИРИНЧИ РАҚАМЛИ ТЕННИСЧИСИ "ТУҒИЛДИ"

17 сентябрь куни пойтахтимиздаги "Юнусобод" кортларида бир ҳафта давом этган "Президент кубоги" теннис турнири ниҳоясига етди. Юксак савияда ҳамда кўтаринки руҳда ўтган турнирнинг ёпилиш маросимида иштирок этиш, финал учрашувини томоша қилиш ҳамда ғолибларни тақдирлаш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташриф буюрди.

Тошкентда еттинчи бор ўтказилган теннис ҳафталиги АТП-Тур таснифига кирувчи бу йилги мусобақаларнинг энг жозибалиси бўлди десак, муболаға бўлмас. Зеро, бу баҳо дунёнинг кучли ўнталигига кирувчи теннис юлдузлари — Марат Сафин, Седрик Пиолин, Евгений Кафельников, Карлос Мойя, Грег Руседскийлар томонидан ҳам эътироф этилди. Бунинг энг асосий сабаби эса, юртимизга ташриф буюрган барча турнир иштирокчилари ўз мухлисларига эга эканлигидадир. Қолаверса, мамлакатимизда кун сайин оммалашиб бораётган катта теннис нафақат маълум давраларга, балки ҳар бир оилага кириб бораётгани, қадр топаётганидадир. Айниқса, АҚШ очиқ биринчилиги мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган россиялик Марат Сафиннинг "Президент кубоги—2000" мусобақаларида иштирок этиши, муносиб натижага эришиши турнирга алоҳида улуғворлик бахш этди.

Мусобақаларнинг дастлабки босқичлариданоқ теннисчилар ўзларини ҳақиқий мухлислари қаршисида ҳис этиб, бор куч ва маҳоратларини намоён эта бошлади. Бироқ турнирнинг биринчи ракеткаси Е.Кафельников, энг кучли зарбага эга Г.Руседский, кўпчилик томонидан "ғолиб бўлади" дея башорат қилинган С.Пиолин каби номдор теннисчилар турнирнинг кутилмаган "кашфиёт"лари қаршисида ожиз қолди.

Беллашувларнинг финал қисмида мухлислар қалбидан аллақачон жой олган М.Сафин ҳамда италиялик Д.Сангунетти кортга тушди. Ўзининг омадли мавсумини ўтказаётган ёш теннисчи М.Сафин "Президент кубоги"нинг бу йилги соҳиби бўлди (ҳисоб 6/3, 6/4). Бу ғолиблик уни жаҳоннинг энг кучли теннисчиси мақомига олиб чиқди. Турнир якунида ушбу мусобақалар ташкилотчиси С.Какшури ғолибларни тақдирлаш маросимини очар экан, теннис ривожига эътибор ва халқ саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар борасида Ислом Каримов дунёдаги энг илғор Президентдир, дея таъкидлади.

Маросимда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Бутун ҳафта давомида "Юнусобод" кортларида ва телевизор орқали спортчиларнинг муросасиз баҳсларини томоша қилганларнинг барчаси шу кунларда спортнинг жозибадор ва қизиқарли тури бўлмиш катта теннис билан яшади, десам янглишмайман, — деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, ўзларининг юксалиб бораётган маҳоратларини намойиш этган ўзбекистонлик теннис усталарига, АТП-Тур ижрочи директори М. Майлзга, турнир ташкилотчиларига ва журналистларига миннатдорлик изҳор этди. Шундан сўнг, Президентимиз турнир ғолиби Марат Сафин ва финал иштирокчиси Д.Сангунеттиларга совринларни тантанали равишда топширди. Ушбу мусобақа якунига кўра бериладиган очколар ҳисобига М.Сафин дунёнинг биринчи ракеткаси сифатида эътироф этилди. Бу ҳолатни Президент Ислом Каримов — бугун Тошкентда дунёнинг биринчи ракеткаси туғилди, дея изоҳлади.

Маросимда сўз олган Марат Сафин давлат раҳбарига мана шундай ажойиб мусобақани уюштиргани ва финал учрашувини томоша қилишга шахсан ташриф буюргани учун миннатдорлик изҳор этди. Ва келаси йил ҳам, албатта, турнирда қатнашиш истагини билдирди.

Шундай қилиб, дунё бўйича 240 миллион томошабинга бевосита кўрсатиб борилган "Президент кубоги" баҳслари дунёнинг янги биринчи ракеткасини кашф этиб, якунланди.

Ф.КАРИМОВ

Суратда: ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳа.

Якка биринчилик асосий тур босқичлари натижаларининг жадвали билан 4-бетда танишинг!

JUMLADA JAHON

• "Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида" китоби араб тилида чоп этилди.

• Пойтахтдаги ҳукумат қароргоҳида Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султоновнинг Қирғизистон Бош вазири Омонгелди Муралиев билан яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди.

• Ангола ҳукумати дунё давлатлари ҳамда халқаро ташкилотларга мурожаат қилиб, мамлакат ҳудудини миналардан тозалашда ёрдам сўради.

• Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпаи билан музокара ўтказган АҚШ Президенти Билл Клинтон оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик борасида ҳамкорликда тадбирлар ўтказишга келишиб олинганини маълум қилди.

• Степанакертда ўз-ўзини Тоғли-Қорабоғ республикасининг президенти деб эълон қилган Аркадий Гукасян ҳаётига суиқасд уюштирган жиноятчилар устидан суд жараёни бошланди.

• Крим мухторият республикаси, Украина ҳукумати, «Жаҳон» ҳукуматлараро телерадиокомпанияси, Россия журналистлар уюшмаси ташаббуси билан Ялта шаҳрида ўтказилган халқаро телекинофорум «Учинчи мингйиллик — ҳамкорликда» шиори остида ўтди.

Tajriba,sinov, natija

РЕЙТИНГ ТИЗИМИ НИМАЛАР БЕРДИ?

Бизнинг мактабда 1995-96 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизимига ўтилган. Ўтган тўрт йил давомида рейтинг тизимида баҳолашнинг турли вариантлари амалиётда қўллаб кўрилди. 1999-2000 ўқув йилида эса мактаб республика тажриба-синов майдони қилиб белгиланди.

Хўш, мактабимиз жамоаси беш йил давомида таълим жараёнига рейтинг тизимини татбиқ этиб, амалда нималарга эришди:

1. Ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш даражаси ўртача 14 фоизга ошди.

2. Ўқувчиларнинг дарсга қатнашишлари мактаб бўйича 2 фоизга яхшиланди.

3. Мактаб кутубхонасидаги адабиётлардан мунтазам фойдаланадиган ўқувчилар сони 21 фоизга кўпайди.

4. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари сезиларли даражада кучайди.

5. Ўқувчиларнинг дарслар жараёнидаги фаоллиги ошди.

6. Туман олимпиадасида ғолиб бўлган ўқувчилар сони 3 нафардан 12 нафарга етди.

7. Мактаб битирувчилари орасида олий ва ўрта махсус ўқув юртига кирганлар сони 15 дан 62 фоизга кўпайди.

8. Ўқувчилар билим даражасини баҳолашда холислик ва аниқликка эришилди.

Ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизимини таълим жараёнида қўллаб, қуйидаги хулосаларга келдик.

Биринчидан, рейтинг тизимида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари янгича асосда қурилади. Улар ўртасида яхши ҳамкорлик излайдилар. Масалан, эскича усулда ўқитувчи қўллашдан доимо чўчийдиган "1", "2", "3" баҳо кўрсаткичлари рейтинг тизимида ўқувчиларни рағбатлантирувчи қимматга эга бўлади. Бу омил эса ўзлаштириш қобилияти ҳар хил бўлган ўқувчиларнинг дарс жараёнида фаол қатнашишларига олиб келади.

Иккинчидан, ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими ўқитувчидан янги, илғор педагогик технологияларга асосланган ўқитиш услубларини қўллашни талаб қилади. Масалан, рейтинг тизимида ҳар бир дарсда 10-12 ўқувчи билимини баҳолаш тақозо этилади. Демак, ўқитувчининг ўқув дастурларини режалаштириш пайтида янги услубларни қўллаши, ўз ишига ижодий ёндашиши шарт бўлиб қолади. Унда ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва билимини назорат қилиш мақсадида уларга мустақил ишлаш, ижодий изланиш, мутолаа қилиш учун кенг имкониятлар берадиган услублар қўлланилади.

(Давоми 2-бетда)

Maktabgacha ta'lim

ФАСМ ЧИЗАЁТГАН БОЛА

ёхуд унинг камолга етиб боришида тасвирий санъатнинг ўрни хусусида

Маълумки, болаларда расм ишлашга бўлган қизиқиш барвақт бошланади. Айниқса, улар катталарнинг хатти-ҳаракатини кузата бориб, ўзлари ҳам қоғоз юзасида ниманингдир расмини ишлашга интиладилар. Бироқ аниқроқ тасвирни вужудга келтира олмайдилар. Бунинг учун болага оилада ҳам кўпроқ расм ишлаш ўргатиб борилиши лозим. Боланинг тасвирий фаолиятга уюшган ҳолда аралашуви болалар боғчасининг биринчи кичик гуруҳида (уч ёшда) бошланади. Бунда, аввало, болани қоғоз юзасида чизган чизиқларини сезиш, ҳис этиш ва шу чизиқларни бирон-бир нарсага ўхшашлик томонларини топишга ўргатиб бориш керак. Бола штрихлар ва чизиқлар нимага ўхшашлиги (ёмғир томчиси, қор парчаси, оқаётган сув, тош, кўм-кўк ўт, тупроқ уюми ва ҳоказо)ни англагач, уни яна такрор чизиш орқали тасвирлашни ўзлаштириб боради. Тасвирий фаолият билан шуғулланаётганда тарбиячи болага қаддини тўғри тутиш, бадиий материаллардан тўғри фойдаланишни ўргатиши зарур бўлади.

Биринчи кичик гуруҳда тасвирий фаолиятда болаларнинг эмоционал таъсирчанлигини эътиборга олиб, улар билан қатъий талаб шаклида эмас, имкон қадар илтимос ва таклиф билан юмшоқ муомалада бўлиш, бола кайфияти ва ҳолатини ҳисобга олиш муҳимдир.

Кичкинтойлар қаламдан тўғри фойдаланиб, расм ишлаш усулини бир оз эгаллаб олгач, тартибсиз чизиқлардан бирмунча тартибли, хилма-хил бўлган штрих, ёйсимон чизиқлардан айлана ҳосил қиладилар. Аста-секин узлуксиз ҳаракатлар натижасида улар юмалоқ, илон изи чизиқлар, бурчаклар ҳосил қиладилар ва кесишадиган чизиқларни ҳам чизишни, кейинчалик эса қалам ва бўёқ билан расм ишлашни ўрганиб оладилар. Умуман, болаларда ниманидир тасвирлаш кўникмаси ҳосил бўлгач, яна бирон нарсани тасвирлаш хоҳиши пайдо бўлиб, унинг ҳаракатлари муайян мақсадга қаратила бошлайди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг муайян мақсадга қаратиладиган бадиий-ижодий фаолияти уларнинг ҳар жиҳатдан тараққий этишига ижобий таъсир этади. Бола расм ишлаш жараёнида уни идрок этиши, нарсанинг ранги ва шаклини яхшироқ ажрата олиши тезлашади, кузатувчанлиги ривожланади. Боланинг фаоллик билан ҳаракат қилиши ва мустақил фикрлай олиши вужудга кела бошлайди. 3-4 яшар бола нарсалар ўртасидаги боғланишни фаҳмлаб, ўз фаолиятини шунга мослаштиради ва бу аста-секин ижодий фаолиятга айланади. Боланинг воқеликни яхшироқ билиб олишида ижодий фаолиятнинг аҳамияти жуда каттадир.

3 ёшдаги болалар катталар билан суратларни кўриш ва улар мазмунини тушунишни ёқтирадилар. Кўраётган ва эшитаётган нарсаларга нисбатан ўз муносабатларини ҳам ифода эта бошлайдилар. Шунингдек, болаларнинг идрок этиш жараёнида ҳам фаол ўзгаришлар юзага кела бошлайди. Натижада уларда ихтиёрий диққат таркиб топиб, кейинчалик муайян бир нарсага қаратилган барқарор диққатга айланади.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ён дафтарига

АҲОЛИ ЭНГ ЗИЧ ЖОЙ

Мутахассислар ўтказган тадқиқотлар натижасида айтилишича, бугунги кунда Париж шаҳрининг ҳар бир квадрат километрига 32 минг нафар киши тўғри келади. Бу дунё шаҳарлари ичида рекорд кўрсаткичдир. Аҳоли зичлиги бўйича рўйхатнинг иккинчи ўрнини Токио (16 минг) ва учинчи ўрнини Нью-Йорк (13 минг) шаҳарлари эгаллаб турибди.

ВАҚТ КЎРСАТАДИ

Маълумки, жаҳон олимларини кўпдан буён қуёш нуридан электр қуввати олиш қизиқтириб келади. Космонавтика тараққиёти туфайли эндиликда очиқ космосда қуёш электр станцияларини қуриш ғоялари туғилмоқда. Шундай лойиҳалардан бири Ер куррасидан 36 минг километр узоқликда станция қуриш хусусидадир. Мазкур станция фотоэлектрик батареялар ва тўпланган қувватни юқори тебранишли нурланиш кўринишида Ердаги қабул станциясига узатувчи марказий блокдан иборат бўлиши кўзда тутилмоқда. Албатта, ҳозирда хаёлдай туюлган бундай станциялар қачон қурилишини вақт кўрсатади.

ТОМОША ВА ИШТАҲА

Германиялик бир гуруҳ шифокорлар томонидан телетомошаларнинг ошқозон ширасига таъсири ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, одамнинг кайфиятини кўтарадиган қизиқарли томошалар ошқозон ширасида кислота миқдорини оширар, зерикарли томошалар, аксинча, камайтирар экан.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЧИҚМАДИ

Тиниб-тинчимас япон мутахассислари шолининг йирик навини яратиш устида узоқ муддат тадқиқот ишлари олиб боришди. Ниҳоят, оддий шоли донидан уч баравар катта бўлган, ерёнғоқдай келадиган гуруч донаси яратилди. Аммо янги навнинг таъми кўнгилдагидек чиқмади. Шу боис, ундан молга озуқа сифатида фойдаланиладиган бўлди.

Fan va hayot

«ЁШ ОЛИМЛАР МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ»НИ БИЛАСИЗМИ?

Республика фан ва техника Давлат қўмитаси қошида "Ёш олимлар миллий жамияти"нинг тузилганидан ҳали кўпчилик хабардор бўлмаса керак. Мухбиримиз ана шу жамият раиси, тарих фанлари доктори Элёр Каримовга "Унинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?" деган савол билан мурожаат қилиб, қуйидаги маълумотларни олди.

Илмий-ижодий изланишлар олиб бораётган олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий салоҳиятидан фойдаланиш ва янада ошириш жамиятни ташкил этиш заруратини келтириб чиқарди.

Ҳозирги вақтда "Ёш олимлар миллий жамияти" Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ФТДҚ ва Фанлар академияси билан ҳамкорликда маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тарғибот ва илмий йўналишлар бўйича ўз фаолиятини давом эттираяпти.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ушбу жамият ҳисобига 1,5 миллион сўм маблағ ўтказилди. Бу маблағ моддий-техник таъминот учун сарфланди.

Турли илмий мавзудаги давра суҳбатлари, анжуманлар уюштириш, чет эл ва давлат грантларида иштирок этиш, ёш олимларнинг компьютер сабоқлари ва тил ўрганишларини тезлаштирувчи курслар ташкил этиш бўйича илк ҳаракатлар бошлаб юборилди. Шу вақтга қадар 8 марта илмий-амалий семинар, 6 марта давра суҳбати, 2 марта илмий-амалий анжуман, шунингдек, етук олимлар билан ижодий суҳбатлар ўтказишга муваффақ бўлдик.

"Маънавият ва маърифатнинг илмий асослари ва ривожланиш тамойилларини ишлаб чиқиш" Давлат илмий-техник дастурининг уч йўналиши бўйича иш олиб боришда иштирок эта бошладик. Булар қайсилар? Ақидапарастликка қарши кураш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва минтақавий хусусиятлар асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш (Ислом университети билан ҳамкорликда), ўқувчи-ёшларни миллий ғоя, мафкура, ўзлик, қадриятлар руҳида шакллантирувчи миллий тарбия концепциясини ишлаб чиқиш, "Ўзбекистон XV-XIX аср ўрталарида: жаҳон тарихида тутган ўрни ва роли" (Тарих институти билан биргаликда).

Ўтган вақт мобайнида жамиятимиз Америка элчихонасига қарашли "Юсис" (USIS) ташкилоти орқали ижтимоий нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадига мўлжалланган грантни қўлга киритди. Бу грантни кичик ҳажмдаги хабарнома ёки журнал ташкил этишга сарфлаш кўзда тутилмоқда. Нашр ёш олимларимизга тарқатилади. Шунингдек, МДҲ давлатларига Интернет тармоғи орқали жўнатилади.

"Ёш олимлар миллий жамияти" бугунги кунда тахминан 1500 кишини ўз атрофига жипслаштирди. Биламизки, улар жуда кўп. Ана шу катта кучнинг бутун салоҳияти, билим ва ақл-заковати юрт истиқболига ҳисса бўлиб қўшилиши тарафдоримиз.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Янги ўқув йили арафасида эса, вилоят ҳокимининг фармойишига кўра, мактаб кутубхоналари фондини бойитиш учун 18,6 миллион сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

Расм ишлаш жараёнида болалар нарсаларнинг ташқи кўриниши, шакли, ҳажми, фазодаги ҳолатига кўра фарқланишини билиб оладилар.

РЕЙТИНГ ТИЗИМИ НИМАЛАР БЕРДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Учинчидан, рейтинг тизимини жорий қилиш мактабдаги ички назорат ва уни бошқаришни қайта ташкил этишни тақозо қилади. Чунки рейтинг натижаларини чиқариш, ҳужжатларни юритиш, ҳисоботлар тайёрлаш, кўрсаткичларни таққослаш, ўқитувчиларнинг услубий тайёргарлигини, ижодий фаоллигини баҳолаш ҳам янгича меъёрлар асосида олиб борилади.

Тўртинчидан, ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими ўқувчиларга ДТСлари талаблари асосида билим беришни назорат қилишда энг қулай восита бўлиб қолади. Чунки назорат қилишнинг энг мақбул усули — тест бўлгани учун ҳам эгалланган билим, тушунча, кўникмалар даражасини оралиқ ва якуний назорат шакллари орқали таҳлил қилиш имконияти туғилади.

Бешинчидан, ўтган тўрт йил давомида рейтинг тизимида назорат қилишнинг бир неча вариантларини қўллаш ўқитувчи ва ўқувчиларда маълум кўникма ва малакалар ҳосил бўлишига олиб келди. Бу эса мактаб педагогик жамоаси учун муҳимдир.

Олтинчидан, рейтинг тизимини қўллаш жараёнида ўқитувчиларнинг дарс услубларини янгилаш, дидактик материаллар тўплаш, уйга вазифа, ижодий топшириқлар бериш, ёзма ишлар ўтказиш, рефератларни ҳимоя қилиш борасидаги амалий тажрибалари ортди.

Еттинчидан, рейтинг тизимини қўллаш жараёнида янги педагогик технологиялар асосидаги дарслар ва тадбирлар жамланмаси билан қўлланилаётган дарслик ва дастурлар ўртасидаги номутаносибликларни йўқотиш борасида ҳам яхши тажриба тўпланди.

Энди муваққат Низомнинг афзалликлари борасидаги фикрларимни айтиб ўтмоқчиман. Ушбу Низомни тайёрлаш бўйича қарийб бир ярим йил иш олиб борган республика эксперт гуруҳи (раҳбари, профессор Ж.Икромов) эришган натижалар мақташга арзигулиқдир:

1. Муваққат Низомнинг 8-бандида "Фан ўқитувчиси республика Таълим маркази томонидан тавсия қилинган назорат ишлари сонига синфдаги ўқувчилар сони ва ўзининг методик услубига қараб, 10-15 фоизгача ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга. Бундай назоратлар сони ҳақида мактаб маъмурияти билан келишилади", дейилган. Демак, муваққат Низомда олдинги Низомдан фарқли равишда, ўқитувчига синфдаги ўқувчилар сонига қараб, назорат сонига 15 фоизгача ўзгартириш киритиш имконияти берилган. Шу тариқа тажриба-синов даврида синфда ўқувчилар сони кўплигидан келиб чиққан муаммолар ижобий ҳал этилган.

2. Тажриба-синов натижалари шуни кўрсатдики, чорак давомида жорий назорат (ЖН) ва оралиқ назорат (ОН)нинг ўтказилиши етарлидир. Ҳар бир чорак бўйича якуний назорат (ЯН) ўтказиш имкони йўқ. Шуни ҳисобга олиб, муваққат Низомнинг 9-бандида ЯН ўқув йилининг охирида ўтказилади, деб белгиланган. Демак, тажриба-синов даврида ўқитувчиларнинг чорак охирида ОН ва ЯНларни ўтказиш билан боғлиқ қийинчиликлари барҳам топган.

3. Тажриба-синов даврида ўқитувчилар, ўқувчиларни ҳам қийнаган муаммолардан бири 4-чоракнинг охирги ўн кунида барча фанлар бўйича ҳам ОН ва ЯНнинг ўтказилиши бўлди. Муваққат Низомда бу муаммо жуда ибратли ҳал этилган.

4. Муваққат Низомнинг 15-бандида ЯНнинг балини максимал баллдан келиб чиққан ҳолда ОНлар максимал баллари йиғиндисидан кам бўлмаган миқдорда ўқитувчининг ўзи белгилайди, дейилган. Демак, ўқитувчи хоҳласа 4-чоракдаги охирги ОНни ўтказмасдан, унинг балини ЯНга кўшиб ўтказиши ҳам мумкин.

5. Рейтинг тизимини жорий қилишда ўқитувчилар учун энг асосий қийинчилик, чораклик ва йиллик рейтинг кўрсаткичларини ҳисоблаш бўлди. Ҳар бир чорак охирида ўқитувчидан катта ҳажмдаги ҳисоб-китоб ишлари талаб қилинар, натижада ўқитувчи ҳисоб-чига айланиб қолган, баъзи вақтда ўқувчиларнинг ёрдамидан фойдаланишга ҳам мажбур бўлар эди. Янги муваққат Низомда бу жараён анча соддалаштирилган бўлиб, ўқитувчининг ишини осонлаштирадиган тайёр жадваллар таклиф этилган.

Хулоса қилиб айтганда, янги муваққат Низомда тажриба-синовдан ўтказилган вариантларнинг яхши томонлари олиниб, муаммоли томонларининг ечими бир қадар излаб топилган.

Эркин РЎЗМЕТОВ,
Боғот туманидаги 1-ўрта мактаб директори, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

РАСМ ЧИЗАЁТГАН БОЛА

ёхуд унинг камолга етиб боришида тасвирий санъатнинг ўрни хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мактабгача тарбия ёшида болаларнинг тасвирий санъатга доир билим, кўникма, малакалари ошиб борган сари улар анча мустақил бўла боради. Бола 4 ёшда ўз имкониятларини, яъни расм ишлай олиш ёки ишлай олмасликни жуда яхши англай бошлайди. Катталар таъсирида эстетик ҳис этиши ҳам кучаяди. 4 ёшли бола табиатдаги, теварак-атроф, ҳаётдаги чиройли нарсаларга диққат қила бошлаб, ундан ёқимли ҳисни, хунук нарсалардан эса нохуш ҳисни аста-секин мустақил равишда кўнглидан кечиради.

Болаларнинг ижобий кайфиятда бўлишини таъминлаш, дунёни билишдаги илк кўникмалар, ижодий тасаввурини ҳосил қилиш, нутқ маданиятини, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда тасвирий санъат билан таништиришнинг аҳамияти каттадир. Натижада болаларда тасвирдаги нарсаларни сезиш, тушуниш, ҳис этиш, таниш, фарқлаш, ўхшаш қисмларини пайқай олиш ҳамда бир-бирига таққослаш ва ундан завқланиш кўникмаси таркиб топади. Бу борада кўпроқ болаларга тушунарли бўлган воқеа-ҳодисалар, чиройли табиат манзараси акс эттирилган қизиқарли расмлар, сабзавот ва мевалардан ташкил топган натюрмортлар, турли мавзуда ишланган содда кўринишли тасвирий ва амалий санъат асарлари, иллюстрациялар, миллий ўйинчоқлар, эртаклар мазмуни хусусида суҳбатлар ўтказиш зарур ҳисобланади. Айниқса, расм ишлаш жараёнида болалар нарсаларнинг ташқи кўриниши, шакли, ҳажми, фазодаги ҳолатига кўра фарқланишини билиб оладилар. Турли ранглар (кўк, қизил, яшил, сариқ, оқ, қора) ва шакллар (доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак) тўғрисида тушунчага эга бўлиб, уларнинг қўл ҳаракатлари расм ишлашга мослашиб, тасвирий фаолиятга бўлган қизиқиши ошиб боради.

3-4 ёшдаги болаларга ғилдиракчалар, ўйинчоқлар, шунингдек, "Тўкилган барглар", "Булут ёки қуёшли осмон", "Қор билан қопланган ер", "Қор уюмлари", "Сув томчиларида камалак", "Ўтлоқда", "Момақаймоқ гули" каби мавзуларда расм ишлаш, ўзбек халқ амалий санъати намуналари асосида оддий кўринишли нақшлар тузишни тавсия этиш мумкин. Ташлаб юбориладиган нарсалардан тузилишига кўра ҳар хил бўлган нарсалар шаклини қуриш-ясашни ҳам тавсия этиш мумкин. Бунда болаларнинг ёшлигиданоқ қўл меҳнатига бўлган иштиёқи ва ҳаваси ошиб боради. Улар жонажон ўлкамиз табиати, кишиларнинг ижодий меҳнати билан танишиб, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига меҳр-муҳаббат руҳида тарбияланадилар.

Болалар улғайган сари уларнинг қўл ҳаракатлари ҳам тараққий этади, расм ишлаш, қуриш-ясаш каби ишларни нозик ҳаракатлар билан бажара оладилар. Бироқ шуни алоҳида айтиш зарурки, болалар нарсалар ва уларнинг шаклини тўғри идрок этсалар-да, расм ишлашда шаклни тўғри акс эттириш ва фазода тўғри жойлаштиришга унчалик эътибор бермайдилар. Илк ёшданоқ болалар расмларни томоша қилсалар-да, ундаги тасвирларни ғоявий ва бадиий идрок эта олмайдилар. Чунки уларнинг диққати барқарор эмас, тафаккури ҳам унчалик ривожланмаган бўлади. Бундай ҳолатда болаларнинг хатти-ҳаракати ва тасвирий фаолиятини тўғри йўналтириш, бадиий билимлар асосини мунтазам равишда эгаллаб боришни таъминлаш зарур бўлади. Ана шунда болалар онгининг ўсиши, бадиий идроки, тасаввури, диққати, хотираси, тафаккури, хаёлининг такомиллашувида уларнинг макон ва замон тўғрисидаги тушунчалари мавҳумликдан аниқликка қараб бойиб боради.

Бола ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ унинг бадиий-эстетик жиҳатдан ривожланишида ота-оналарнинг таъсири ижтимоий аҳамиятга эгадир. Чунки ота-она фарзандларининг хатти-ҳаракатлари, хислатларини жуда яхши биладилар ва улар билан исталган йўналишда шуғулланиш имкониятига эгалар. Шунга кўра, ота-она бола туғилганидан кейинги илк ёшлик чоғидан бошлаб унинг тасвирий фаолиятига, бадиий-эстетик ривожланишига шарт-шароит яратиши, умуман, оилада болалар бадиий тарбиясини кўнгилдагидек ташкил этиш, энг муҳими, уларнинг хилма-хил фаолиятга мойиллигини, интилишини ўз вақтида англаши лозим. Бунинг натижасида болаларнинг ақлий ва бадиий-эстетик ҳис-туйғуси ривожланади, гўзалликка бўлган ҳаваси ва қизиқиши ошади, ҳаёт тўғрисидаги тасаввур ва тушунчалари кенгаяди. Агарда оилада болалар бадиий тарбиясида мақсадсиз йўналиш мавжуд бўлса, бола ҳақида кам ўйланиб, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйсалар, бундай ота-оналар бола тарбиясида анча қийинчиликларга учрайдилар.

Оила тарбиясида бола шахси камолотида аҳамиятга эга бўлган масалаларга эътибор бериш, яъни болага қизиқарли, тушунарли тарзда китоб ва журналларни ўқиб бериш, болаларни кўргазма ва музейларга олиб бориш, расмларга қараб ҳикоялар тузишни йўлга қўйиш, табиатга, шаҳар, қишлоқ, уй-жой қурилиши, заводларга сайр этиш, ҳикоя ва эртаклар айтиб бериш, турли ўйинлар, суҳбатлар уюштириш, альбомлар тузиш, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли рангдор ўйинчоқлар, рангли мато, қоғоз, шарлар, ленталардан фойдаланиб рангларни идрок этиш ҳиссини шакллантириш, суратларда тасвирланган нарсалар номларини айта олиш, умумий тузилишини англаш, идрок этишга ўргатиб бориш керак бўлади. Натижада болалар нарсалар, воқеа-ҳодисалар ҳақида эстетик мулоҳаза юрита бошлайди. Шунингдек, болаларни ҳарфлар билан таништириб, ўқиш ва оғзаки ҳисоблашни ўргатиш, шеърларни ёд олдириш, атроф-воқелик ва мактабга муносабатни шакллантириш орқали уларнинг ақлий ва нутқий ҳамда бадиий ривожланишини таъминлаш, маданий ҳаётини самарали ташкил этиш мумкин. Бунинг учун оилада ота-она, боғчада тарбиячи, мактабда ўқитувчилар болалар бадиий тарбиясида ўз масъулиятларини англаб, ҳамкорликда ҳаракат қилишларига тўғри келади. Зероки, оила, боғча, мактабда соғлом муҳит мавжуд экан, албатта, болаларнинг бадиий-эстетик таълим-тарбия ишларини муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Бунда қуйидаги шартларга риоя этиш лозим:

— болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини диққат билан ўрганиш, уларнинг бадиий қизиқиши ва қобилиятини билиш;

— оила, боғча, мактабда болалар бадиий фаолиятини тўғри ташкил этиш;

— тасвирий фаолиятга нисбатан болаларнинг табиий интилиши ва ижобий муносабатини таркиб топтириш;

— болаларнинг тасвирий фаолияти билан қизиқиб, онгли равишда мустақил шуғулланишларига эришиш ва ҳоказо.

Болаларнинг улғайиши давомида тасвирий фаолияти анча мураккаблашиб боради. 3-4 ёшдаги болаларга қараганда 5-6 ёшдаги болалар расм ишлаш давомида тасвирларни аниқроқ идрок этадилар. Бу ёшдаги болаларни суратларнинг мазмунини сўзлаб беришга, уй-рўзғор буюмларидан дастурхон, эшик ва дераза пардалари ҳамда гилам, сўзана безакларидан фойдаланиб турли мавзудаги содда декоратив расмлар ишлашга ундаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, болалар бадиий фаолиятининг асосий мазмунини миллий урф-одат, анъаналарга боғлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, ота-она, буви-бува, ака-ука, опа-сингил ҳамда қариндош-уруғларнинг туғилган кунларига тасвирий санъат асосида турли совғалар тайёрлаш, шунингдек, турли сайллар — боғ сайли, узум сайли, қовун сайли, оилавий байрамлар, "Наврўз" каби кўпгина мавзуларда расм ишласа бўлади.

Бола етарли даражада бадиий билим, кўникма, малакаларга эга бўлгач, илмий тушунчаларни ҳам эгаллай бошлайди. Масалан, кичик ёшдаги болалар бирор безакли буюмнинг айрим қисмларини бир-бирига таққослаб, шакли, ранги, катта-кичиклигини ёки ўхшашлигини аниқлай оладилар. Бироқ ўз тушунчалари юзасидан аниқ хулоса чиқара олмайдилар. Бунда нарсаларнинг муҳим белгиларини топиш ва амалий машқлар бажариш орқали болалар тушунчаларини умумлаштиришнинг аҳамияти каттадир. Натижада болалар нарсаларнинг кўзга кўриниб турган аломатларига қараб умумлаштиришни ҳамда уларнинг ўзига хос тавсифли белгиларини кўрсата олишни ўзлаштира бошлайди. Бундан кўриниб турибдики, болаларнинг бадиий тасаввури, тафаккури ривожланган сари нарсалар ва нарса хусусиятларини ифода эта олиши фаоллашади. Ҳар буюмнинг қандай туркумга кириши ва улардан нималар қила олиш мумкинлигини айта олади ҳамда шу буюмга нисбатан ижобий ва салбий муносабатларни билдирадики, бу ҳукм ва хулоса чиқариш тарзида ифода этилади. Боғчадаги бола бирон нарсанинг тасвирини чизганда унинг фақат кўзга ташланадиган жиҳатларинигина акс эттирса, мактаб ёшидаги бола эса нарсаларнинг айрим яхлит қисмлари билан бирга кичик қисмларини ҳам акс эттиришга ҳаракат қилади. Улар мустақил равишда ўйлаб, ўзларича янги нарсалар яратишга интиладилар. Бадиий таълим жараёнида фан асосларини эгаллаб боргани сари уларнинг бадиий тафаккури ўсиб, ижодий фаолияти ортиб боради. Ҳатто расм ишлашда қўшимча ва тўлдиришлар киритишга ҳам интиладилар, нарсаларнинг тузилиши, шакли, фазодаги ҳолатига кўра расм ишлашни ўрганиб оладилар. Бу эса ўз навбатида болаларнинг боғча ва мактабдаги таълим-тарбия ўртасида маълум бир изчилликни юзага келтиришни талаб этади. Натижада уларнинг бадиий идрок этиши ва тафаккури тартибли тараққий этади. Айниқса, ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятига доир вазифаларни муваффақиятли ҳал этилишида педагогик ҳамкорликнинг таъсири жуда кучлидир. Чунончи, болаларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, бадиий қизиқиши ва эҳтиёжлари уларнинг ҳар бир ёш даврига кўра фарқланиб боради. Шунинг учун болаларнинг бадиий тарбиясига турлича муносабатда бўлиш тақозо этилади. Чунки бола шахсининг шаклланиши жараёнида уларга бериладиган таълим-тарбия мазмуни ҳам ўзгариб боради ҳамда маълум маънода бойиб, мураккаблашади. Бола шахсининг ривожланиши ҳам бир қанча босқичда ўтади. Ҳар бир босқич аввалгилари билан мустаҳкам боғланади, бирини-бири тўлдиради ва аста-секин янада юқорироқ босқичга кўтарилади.

Ойсоат ХУДОЁРОВА,
Т.Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди

Anjuman

КОНГРЕСС ШИОРИ – ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ

Маълумки, бугунги кунда республикамизда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, миллатлараро ҳамжиҳатлик, тинчлик ришталарини янада мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Пойтахтимизнинг "Шератон" меҳмонхонасида ЮНЕСКО раҳнамолигида "Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида" мавзуида халқаро-диний конференция бўлиб ўтди. Уч кун давом этган йиғилишда диний-сиёсий экстремизмга қарши Тошкент резолюциясини қўллашга доир қатор масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, терроргa қарши кураш, бугунги кунда кенг тарқалиб бораётган диний экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастлик каби иллатларнинг ёшлар онгига бераётган салбий таъсири, Ватан туйғуси, оила, оилада онанинг тутган ўрни каби масалалар кўтарилиб, қизғин муҳокама ва мунозарага айланди. Шунингдек, муқаддас динимиз бўлмиш — исломнинг азал-азалдан жамият ҳаётига, фарзандлар тарбиясига ижобий таъсири, унинг асл моҳияти таҳлилга тортилди.

Дунёнинг турли динларига мансуб барча вакиллар экстремизмни ёқламасликларини, унга қарши курашда фақатгина бирдамлик ва ўзаро ҳамжиҳатликкина ёрдам беражагини таъкидладилар.

— Фундаменталистлар шунчаки ўз ғояларини илгари сурмайдилар, яъни бошқа динларни ҳурмат қилмай, унга қарши курашадилар ва ўзгалар ҳуқуқини шу тариқа топтайдилар, — деди Бангкок дин мактаби вакили С.Салам.

Бу анжуманнинг айнан ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилганлиги бежиз эмас. Чунки ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Анжуман сўнггида барча диний вакиллар, ЮНЕСКО конгресси қатнашчилари ҳамда Ўзбекистон ҳукумати томонидан навбатдаги Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Эркин МИРЗАЯШЕВ,
Ирода ҲОЖИКУЛОВА

Ta'lim homiylari

МАКТАБГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ўтган ўқув йилидан бошлаб Сирдарё вилоятида таълим тизимига бўлган эътиборнинг кескин кучайганлиги сезилди. Хусусан, вилоят ҳокимлиги фармойиши билан моддий негизини мустаҳкамлаш мақсадида вилоятнинг барча боғча ва мактабларига ер ажратилди. Вилоят ҳокими А.Исроиловнинг туманлардаги биттадан энг оғир аҳволдаги боғча ва мактабларни шахсан ўзи оталиғига олиб, улардан мунтазам хабар олиб туриши эътиборга моликдир. Янги ўқув йили арафасида эса, вилоят ҳокимининг фармойишига кўра, мактаб кутубхоналари фондини бойитиш учун 18,6 миллион сўм маблағ ажратиладиган бўлди. Ушбу маблағнинг 70 фоизига бадиий адабиётлар, қолганига дарсликлар харид қилиш режалаштирилди. Вилоят таълимида бўлаётган янгиланишлар Оқолтин туманида ҳам кўзга ташлана бошлади.

Туман маорифчилари янги ўқув йили аввалида ноанъанавий тарзда кенгаш ўтказиб, барча вазифаларни белгилаб олдилар. Кенгашда, аввало, ўқитувчи шахсига ва мактабга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳомий ташкилотлар барча мактабларга ўзларининг қимматбаҳо совғалари ва пул мукофотларини тақдим этди. Аълочи ўқувчилар учун стипендиялар эълон қилинди.

Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Олимжон Мирҳабибов ташаббуси билан ҳар бир ташкилот ва хўжалик раҳбари шахсий ҳисобларидан икки нафардан кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар мажмуасини олиб беришди. Бундан ташқари бир ярим минг нафардан зиёд ўқитувчиларга иқтисодий ёрдам учун хўжаликлар томонидан сабзавот ва полиз маҳсулотлари ажратилди. Тумандаги Усмон Носир номидаги хўжалик томонидан учта мактаб учун 17 тонна буғдой ажратилган бўлса, А.Тоиров номидаги хўжалик томонидан 17-мактаб эҳтиёжи учун 10 гектар шоли майдони ажратилди. Айни кунда тумандаги ўн тўққизта мактабнинг ҳар бирида 10 гектаргача ер майдони бўлиб, олинган даромад мактаб эҳтиёжи, асосан таъмирлаш ишлари учун сарфланмоқда.

"Мактабларимизнинг моддий имкониятлари мустаҳкамланаётганлиги ўз навбатида таълим-тарбия сифатига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Оқилбек Ёдгоров. — Бугунги кунда ўз маблағимиз эвазига фидойи ўқитувчиларимизни рағбатлантираяпмиз, аълочи ўқувчиларимизга стипендиялар ташкил этаяпмиз. Рағбат бор жойда эса ўсиш, ривожланиш бўлиши аниқ. Қолаверса, мактабларимизни диддагидай безатиш, кўркамлаштириш имкониятлари пайдо бўлди."

Дарҳақиқат, инсон қаердаки ўз меҳнати қадрини сезса, меҳнат даргоҳига кўнгил боғласагина ўша ерда маҳсул, исталган самара бўлади. Мактабларга бўлаётган эътибор, уларга яратилаётган имконият эса, келажакка бўлаётган эътибор ва мустаҳкам тамал тошидир.

Икром БЎРИБОЕВ

Uchrashuv

БИЛИМ ОЛИШ ВАТАННИ СЕВИШ ДЕГАНИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабда терроризм, диний экстремизм, ўсмир ва ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарлик масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда илм масканининг 8—11-синф ўқувчилари ҳамда туман халқ таълими бўлими ходимлари, шунингдек, шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи, генерал Эркин Афзалов, туман прокурори, генерал Бахтиёр Пўлатов туман ИИБ ёшлар орасида профилактик ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Равшан Алиев, туман ҳокими муовинлари Шавкат Пўлатов, Муҳайё Ғанихўжаева, туман халқ таълими бўлими мудири Абдулла Раҳматуллаев ва бошқалар иштирок этишди.

Учрашувда сўз олган туман прокурори Бахтиёр Пўлатов ўз чиқишини рақамларга мурожаат қилишдан бошлади. Шунингдек, у терроризм ва диний экстремизмнинг зарарли оқибатлари ҳамда яқинда Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти ҳақида ҳам батафсил гапирди.

Генералнинг таъкидлашича, мазкур йилда туманда 102 нафар ўспирин ва ёш йигитлар давлат қонунларини бузганлар. Масалан, яқинда 28-мактаб ўқувчилари Нодир Ҳошимов ва Жамшид Умаровлар кўчадан кетаётган қизнинг бўйнидаги тилла занжирни юлиб қочишган. Улар қўлга олинди. Эндиликда иккала ўсмир ҳам қонун олдида жавоб берадилар. Гуруч Арик кўчасидан 8 нафар ўспирин эса Юнусобод тумани ҳудудида жойлашган дискотека майдонида тартибсизлик қилиб, жанжал кўтаришган. Ҳозир бу ёшлар ҳам қонун олдида жавоб бераяптилар. Шу қаторда уларнинг ота-оналарининг ҳар бирига фарзандларини назоратсиз қолдиргани учун 8000 сўм пул миқдорида жарима солинди.

Ундан ташқари, яна 8 ўспирин Собир Раҳимов туманидаги иккита қабристондан оламдан ўтган таниқли кишиларнинг қабрига қўйилган бронза бюстларни ўғирлаганлар.

Ҳозирги вақтда туманда яна 19 нафар ёшлар милиция рўйхатига олингани кишини ташвишга солади. Шулардан уч нафари мактаб ўқувчилари бўлса, қолганлари ишламайдилар ва ўқимайдилар ҳам.

Айни кунда кўпгина ўспиринларнинг қаровсиз қолаётганликлари ачинарлидир. Қаровсизлик оқибатида улар ўғрилик қилмоқдалар, гиёҳвандлик ва бошқа ноқонуний ишлар билан шуғулланмоқдалар.

Учрашувда далиллар билан бирга ана шу каби жиҳатлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Ёшлар ҳушёр, огоҳ бўлишга даъват этилиб, давлатга қарши ва дин ниқоби остидаги ташвиқотларга берилмасликка чақирилди.

Туман ҳокими муовини Шавкат Пўлатов ёшларга яратилаётган қулайлик ва имкониятлар хусусида гапирди. Биргина шу мактабдан мисолга олинадиган бўлса, 5 нафар ўқувчи ривожланган давлатларда таълим олаётирлар. Араб тилини чуқур ўрганган битирувчилар эса Шарқ тиллари лицейида ўқишларини давом эттирмоқдалар. Бундан ташқари, туман ҳудудида шахсан Президентимиз иштирокида янги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик, касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Натижада кўпгина ўғил-қизлар ана шу даргоҳда касб-ҳунар ўрганиш имконига эга бўлишди. Хуллас, учрашувда ўринли таъкидланганидек, бу каби қулайлик ва имкониятлардан юз ўгирганлар, Ватанини қадрламаганлар кўрнамаклик қилган бўладилар...

Учрашув якунида мактаб раҳбари Ҳакимжон Ҳошимов ўқитувчи ва ўқувчилар номидан меҳмонларга яхши ва фойдали суҳбатлари учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Суратларда: учрашув пайти акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Маълумки, мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг ислоҳотида кўплаб хорижий инвесторлар ўз сармоялари билан иштирок этишмоқда. Ушбу сармояларнинг аксарияти янги ташкил қилинаётган академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базаси таъминотига сарфланса, бошқа қисми ушбу таълим муассасалари учун янги ўқув адабиётлари ва дарсликлар яратиш мақсадида ишлатилмоқда.

"Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими ислоҳотига кўмаклашув" TACIS лойиҳаси ҳам мана икки йилдирки, мамлакатимиздаги учта касб-ҳунар коллежларида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Пойтахтимиздаги Ҳамза қурилиш, Андижондаги саноат, Ширидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежларида мавжуд бўлган касб йўналишларидан ҳар бир илм масканида иккитадан мутахассислик танланиб, ушбу танланган жами олтита касб йўналиши бўйича тажриба-синов тариқасида янги ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Аҳамиятлиси, ушбу ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда чет эллик экспертлар ҳам иштирок этдилар.

Мазкур лойиҳа вазифаларидан бири касб-ҳунар коллежлари бошқарувини такомиллаштиришдир. Ана шу мақсадда яқинда Финляндиядан эксперт Хейки Лиитинен мамлакатимизга ташриф буюриб, Ҳамза қурилиш коллежида ЎМКҲТ Маркази, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда тажриба-синов ишлари олиб борилаётган касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари билан икки кунлик семинар-тренинг ўтказди. Тадбир давомида тренинг иштирокчилари бошқарув тизими бўйича чет эл тажрибаларини ўргандилар.

Мазкур тренинг натижаси бўйича "Янги ўқув режа ва дастурлари талаблари бўйича таълимни бошқариш" мавзусида семинар ташкил қилинди.

Нурлан УСМОНОВ

У киши ўз шахсий маблағидан 24 миллион сўм сарфлаб, янги мактаб биносини қуриб бермоқда.

"Китоблар шифохонаси" бурчагини яратиш ўқувчиларда китобни асраб-авайлаш ҳиссини тарбиялашда ғоятда муҳим ўрин тутади.

Taqriz

А.Абдусаматов, Р.Зияев, Б.Акбаров



КИМЁДАН ТЕСТЛАР

Ҳозирги академик лицей ва коллеж ўқувчиларининг билимини синаб кўришда ҳам асосан тест усулидан кенг фойдаланилмоқда. Шу сабабли кимёдан ўқувчиларнинг ўз билимларини тест ёрдамида ўзлари синаб кўришлари, синов ва имтиҳонларга тайёрланишларига ёрдам бериш мақсадида кимё фанининг янги дастурига асосланган "Кимёдан тестли савол ва масалалар" қўлланмаси (Муаллифлар А.Абдусаматов, Д.Зияев, Б.Акбаров) нашрдан чиқди.

Мазкур қўлланмада умумий, анорганик ва органик кимёнинг асосий бўлимлари бўйича савол ва масалалар тест асосида берилган.

Тестли саволларнинг ҳар бирида А, Б, В, Г ва Д ҳарфлар билан жавоблар берилган бўлиб, уларнинг ичида биттаси тўғри ва тўлиқ жавоб бўлади, қолганлари эса тўлиқ эмас ёки нотўғри берилган. Баъзи тестли масалаларнинг тўғри жавобини аниқлаш учун масаланинг шартини ўрганиб, реакция тенгламаларини тузиш, тенгламалар ва формулалар ёрдамида ҳисоблаш лозим бўлади. Бу эса ўқувчилардан кимё фанининг асосий қонун ва тушунчаларини ҳамда реакция тенгламаларини тўғри туза билишни талаб қилади. Қўлланма охирида тестларнинг жавоблари, ундаги масалаларнинг қисқача ёки батафсил ечими келтирилган.

Ушбу қўлланма ўқувчиларнинг кимё фанини қизиқиб ўзлаштиришларига ва олган билимларини такомиллаштиришларига ёрдам бермоқда. Шу ўқув қўлланмадан фойдаланган кўпчилик ўқувчилар олий ўқув юртларига муваффақиятли кираяптилар.

К.РОЗИҚОВ,
кимё фанлари доктори

БЕМИННАТ ЁРДАМ

Ҳиндистон, Франция, Белоруссия, Украина мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари Юнусобод туманида жойлашган мия фалажи билан шикастланган, ақли заиф болаларни соғломлаштириш марказига ташриф буюриб, болалар учун аталган ногиронлар аравачалари ва уларга асқотадиган анжомлар ҳадя этди.

— Соғлом авлод йили муносабати билан қабул қилинган "Соғлом авлод" дастурида ногирон болаларга алоҳида эътибор бериш масаласи ўртага қўйилган, - деди мазкур марказ бошлиғи Фарида Ҳусанова. — Бу борада мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бизнинг туманимизда махсус боғча ўрнида очилган ногирон болаларни соғломлаштириш маркази ҳам шулар жумласидандир. Марказимизда айни кунларда 96 нафар тарбияланувчиларимиз бўлиб, малакали шифокорлар, логопедлар ҳамда дефектологларимиз улар билан иш олиб бормоқдалар. Шунингдек, мактаб ёшига етган болаларга бошланғич таълим беришни ҳам йўлга қўйганмиз. Ҳозирги кунда 23 нафар ўқувчимиз малакали ўқитувчилар томонидан ўқитилмоқда.

Ҳукумат қарорида таълим-тарбия муассасалари ўз моддий-техника базасини мустаҳкамлашда чет эл сармояларидан ҳам унумли фойдаланиши лозимлиги кўрсатилган. Ушбу қарорни амалга ошириш юзасидан Юнусобод халқ таълими бўлими мавжуд муассасаларда доимий иш олиб бормоқдалар. Бўлим бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётир.

«Туркистон-пресс».

КИТОБ ҚАНДАЙ ЎҚИЛАДИ ЁКИ ЎҚИЛМАЙДИ?

Ўқувчи шахсини шакллантиришда таълим муассасалари кутубхоналарининг таъсир кучи устивор ҳисобланади. Зеро, кутубхона — нурхона, кутубхона зиё масканидир. Шунинг учун қуйида ушбу даргоҳнинг самарали фаолият кўрсатиши учун мактаб директори нималарга эътибор бериши керак, синф раҳбари нима қилиши керак, кутубхоначилар қандай ишларни амалга ошириши керак эканлигини эслатиб ўтишни лозим топдик.

Авваламбор китоб ўқиш маданияти деганда нималарни тушуниш лозим эканини ҳамиша эсда сақлаб, қуйидагиларга амал қилишимиз зарур:

— китоб танлай олиш ва зарурини ўқиш;

— китоб устида ишлаш малакасини обдон ўрганиб олиш ва унга чуқур амал қила билиш;

— китобни мустақил ўқий билиш;

— ўқиган китобнинг асосий мазмунини талқин қила олиш, унинг фусункор оламига кира билиш;

— ўқиган китоблардан ҳаётий хулосалар чиқариш;

— унинг керакли, зарур жойларини ён дафтарчага кўчириб олиш, нотаниш бўлган сўзларнинг мазмунини чақиб, эсда сақлаб қолишга интилиш;

— мунтазам ўқиш кўникмасига эга бўлиш;

— китоб билан муомалада энг қадрдон дўстга муносабатда бўлгандай эътибор билан қараш;

— китобни яроқсиз ҳолга келтирмаслик учун ундан тўғри фойдалана билиш;

— кутубхона картотекалари билан ишлай билишни ўрганиш;

— ўқиган китоблари ҳақида дўстлар билан ўртоқлашиш, яхши китобни уларга тавсия қилиб, уни бошқалар ҳам ўқиб чиқишига эришиш, китобларни қаерда ва қай ҳолатда ўқиш мумкинлиги ҳақидаги билим ва кўникмаларга эга қилиш билан энг асосийси уларни асраб-авайлашни ҳам ўргатиш лозим.

Китобни ўқишда доноларнинг қуйидаги панду насиҳатларига амал қилган яхшироқ. Кўчада кета туриб, ўринда ётган ҳолда, машинада, трамвай-троллейбус ва от-уловда мутолаа қилманг. "Қизиқ экан" деб, туни билан ўқиб ҳам чиқманг, эртасига куни билан лоҳас бўлиб юрасиз. Шунингдек, ножоиз жойларда китоб ўқиш қанчалик одобсизлик ҳисобланса, китобни қунт ва диққат қилмай, мағзини чақмасдан, ўқмасдан ўқиш ҳам китобга шунчалик ҳурматсизликдир. Шу боис, китоб ўқиш маданиятини чуқур билиб олиш ва унга амал қилиш ҳар бир ўқувчи учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Дарсликларни асрашга доир тадбирлар ҳақида сўз борганда қуйидагиларни эслатиб ўтишни жоиз деб билдик. Мактаб директори дарсликларнинг кутубхона фондини яратиш ва ўз вақтида уни тўлдириб бориш ишига жавоб бериши, бутун педагоглар жамоаси фаолиятини ўқувчиларда дарсликларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш сари йўналтириши ва мувофиқлаштириши, келгуси ўқув йили учун ўқув-тарбия жараёнини режалаштириш чоғида бу ишларни такомиллаштириш чораларини кўзда тутиши ва унинг ижроси устидан мунтазам назоратни таъминлаши лозим.

Tavsiya

Директорнинг ўқув-тарбия, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича муовинлари синф раҳбарларига ўқувчилар ва ота-оналар билан дарсликларга авайлаб муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантиришга қаратилган суҳбатлар, тарғиботчиларнинг чиқишларини тайёрлаш ва ўтказишда, "ҳар бир дарсликка узоқ умр" шиори остида мусобақалар ўтказишда методик ёрдам кўрсатиши лозим.

Мактаб кутубхона фонди билан бевосита кутубхоначи иш олиб боради. Кутубхоначи ўқувчиларда дарсликларга онгли муносабатни тарбиялаш ишининг ташаббускори бўлмоғи даркор. Вақти-вақти билан Давлат кутубхоналарига экскурсия ташкил этиш, мактаб педагоглари жамоаси билан яқин алоқада бўлиб, мунтазам равишда дарсликларнинг сақланиш аҳволини текшириш бўйича рейдлар, шунингдек, энг яхши сақланган дарсликлар учун умуммактаб танловлари ўтказиб туриши, сўнгра ўтказилган рейдлар, танловлар натижалари акс эттирилган стендлар жиҳозланиши давр тақозосидир.

Таълим масканларида "Муқовалаш", "Таъмирлаш" тўгаракларининг ишлаши айни муддаодир.

"Муқовалаш" тўгарагида машғулотлар ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, мактаб кутубхоналарида китобларни сақлаш, таъмирлаш учун зарур бўлган материал ҳамда китобдан фойдаланишнинг асосий қоидаларига ўргатадиган "Китоблар шифохонаси" бурчагини яратиш ўқувчиларда китобни асраб-авайлаш ҳиссини тарбиялашда ғоятда муҳим ўрин тутади.

Кутубхоначи ота-оналар билан уйда дарсликларнинг қандай тутилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳақида тушунтириш ишларини олиб боради. Бу тадбир айниқса, ўқув йили бошида ота-оналар мажлисларида амалга оширилса бирмунча самарали бўлади.

Шунингдек, "Энг китобхон ўқувчи", "Энг китобсевар синф" каби кўрик-танловлар ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

"Фикр манбаи — кутубхона" мавзусида семинар-кенгашлар уюштирилиши зарур.

Мактаб кутубхоначисининг ўқувчиларда китобга, дарсликка нисбатан эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш бўйича олиб бориладиган ишда фарзандлари ўз дарсликларини ибратли тутадиган болаларнинг ота-оналарига миннатдорлик хатларини ёзиш ҳам мақбул усулдир.

Таълим-тарбия муассасаларида бу борада шундай иш олиб бориш керакки, токи ҳар бир ўқувчи билим манбаи бўлган китоб-дарсликнинг қадр-қимматига етсин, уни кўз қорачиғидек асрасин. Бунда ҳар бир директор, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбари ва кутубхоначилардан бу борада ижодкорлик ва масъулият талаб этилади.

М.ТУРОПОВА,
РТМ "Маънавият ва қўшимча таълим" бўлим бошлиғи,
Ў.ЮСУПОВА,
РТМ "Умумий ўрта таълим" бўлими бошлиғи муовини

НУР МАНБАИ ҚАЕРДА?

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш йўлида Хатирчи туманида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Буни туманда ташкил этилган кўп тармоқли иқтидорли болалар лицейи мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу зиё масканига барча мактаблардан истеъдодли болалар жалб этилган. Бундан ташқари, туманнинг 8 та мактабида иқтидорли ўқувчилар учун махсус синфхоналар очилиб, машғулотлар чуқурлаштириб ўтилмоқда. 22-ўрта мактабнинг бу борадаги иш тажрибаси эса, вилоят миқёсида оммалаштирилди.

Айни кунда туман мактаблари замонавий ўқув жиҳозлари ва техник воситалар билан таъминланаётир. Ҳозирги пайтда мактаб ва лицейларда 20 дан ошиқ компьютерлаштирилган синфхоналар мавжуд.

"Жаҳонга машҳур аҳли фозиллар Туркистон тупроғида туғилганлар, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Олимжон Маматкаримов. — Энди биз ҳам маънавиятда буюк аждодларимиз сингари яна қайтадан қад ростлашимиз зарур. Болалар доимо ўзлари билмаган ҳолда меҳрга муҳтожлик сезадилар. Ана шу ташналикни қондира олган, шу йўлда фидойилик кўрсатган ўқитувчилар иши тақсинга сазовор. Шу кунларда биз махсус ҳайъат тузиб, мактаблар фаолиятини қайта ўрганмоқчимиз.

Ниятимиз — туманнинг дашт ва чўл ҳудудларида яшовчи ўқитувчилар, ўқувчилар аҳволидан хабардор бўлиб туриш, уларга имкон қадар ёрдамлашишдир".

Туманда ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ижодий имкониятларини тўла ишга солиш омилларини излаш билан биргаликда уларнинг маънавий юксак бўлишларига, шарқона устозлик масъулиятини тўлиқ ҳис қилишларига ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги йиллар ичида туманда кўпчилик мактабларга оталиқ ташкилотлари ва ҳомийлар ёрдами билан қўшимча синфхоналари қуриб берилди.

Ma'rifatparvarlar

Аълочи ўқувчиларга эса стипендиялар тарқатилмоқда. Мавжуд мактабларни таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари ҳам доимо эътиборда турибди. Шу ўринда тадбиркор Қудрат Сафаровнинг амалга оширган эзгу ишларидан бири ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. У киши ўз шахсий маблағидан 24 миллион сўм сарфлаб янги мактаб биносини қуриб бермоқда. Илм даргоҳи тез кунларда ишга туширилади. Бундан ташқари Акмал Икромов номидаги агрофирма бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Эркин Қаҳҳоровнинг 17-ўрта мактабни таъмирлашга катта маблағ ажратганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Истиқлол байрами арафасида "Зарафшон" ширкат хўжалигида 450 ўринли коллеж биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотда 314 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Бундан ташқари коллеж биноси 90 миллион сўмлик турли жиҳозлар билан ҳам таъминланди. Бош пудратчи ҳисобланган Навоий қурилиш трести меҳнат жамоаси коллеж қурилишида жонбозлик кўрсатишди.

Халқимизда "Соғ танда — соғлом ақл" деган нақл бор. Гўдак дунёга келган кунданоқ борлиқни билишга, севишга интилади. Олам-олам орзу-умидларга ошно бўлади. Болажонларимиз маънан соғлом, жисмонан бақувват бўлиб улғаймоқлари керак. Туман мактабларида спортга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Тошпўлат Файзиев номидаги 20-ўрта мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Жафар Иноятовнинг шогирди — Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, ушбу мактаб ўқувчиси Манзура Иноятова яқинда Исломобод шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда қатнашиб, стол тенниси бўйича биринчи ўринни эгаллаб, олтин медал соҳибаси бўлди.

Таълимнинг чинакам нур манбаи китобга, билимга интилишда, маърифатпарварликдадир. Қаердаки, ушбу нур манбаларига интилиш бор экан, шубҳасиз, тараққиёт, ривожланиш ҳам ўша ердадир.

Улуғбек ЖУМАЕВ

ЭЛ ЯХШИ ОДАМ ДЕСИН...

Баҳодир Розиқов фидойилиги боис, эл назарига тушди. Мирзаобод туманидаги у бошқараётган 21-мактаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО бўлимига қарашли бирлашган миллий мактаблар сафига қабул қилинди.

Б.Розиқов Тошкент педагогика институтини муваффақиятли тугатиб, илк бор қадам қўйган мактабида 34 йилдан бери ишлаб келади. 29 йилдирки, ушбу мактаб директори. У устоз ўқитувчи, ижодкор, тадқиқотчи олим сифатида эъзоз топган. Унинг "Одобинг — зийнатинг", "Одоб — олтиндан қиммат", "Оталар ва оналар одоби", "Одобномадан тест синовлари", "Одобнома" каби рисолалари республика мактабларида кенг қўлланилмоқда. Айниқса, "Яссавий пандномаси" рисоласи кўпчилик китобхонларнинг севимли китобига айланиб қолди.

Халқ анъаналари йўлида ёзилган "Болалар фолклор қўшиқлари", "Кичкина бўлинг", "Қизлар алласи", "Дардга дармон бор Ёмда" каби бир неча шеърий тўпламлари нашр қилиниб, кенг китобхонлар томонидан севиб ўқилиб келинмоқда. Саралланган шеърлари "Сирдарё жилолари" тўпламида босиб чиқарилди.

У республикада биринчилардан бўлиб "Дилрабо" ўқувчилар фольклор-этнографик дастасини ташкил қилди. Тез орада дастанинг издошлари ҳам фаолият кўрсата бошлади. Орадан ўн етти йил ўтиб жамоа "Халқ дастаси" унвонига сазовор бўлди. "Дилрабо"нинг чиқишлари қардош ва чет эл томошабинларига ҳам манзур бўлди.

Сирдарё вилояти ПХМОИ ректори Эркин Куйбишев билан мактабга ташриф буюрганимизда, мактабнинг маънавият ва таълим марказига айлантирилганлигининг гувоҳи бўлдик. Атрофи боғ-роғлар билан бурканган илм ўчоғида ҳар бир фан учун махсус хоналар дид билан безатилган.

—Бу даргоҳ "Йил мактаби" (1995) деган шарафли номга бежиз сазовор бўлгани йўқ, — дея сўз бошлади Эркин ака, — вилоятимизда биринчи бўлиб ана шундай юксак номга муносиб топилди. Мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, фан хоналари, лаборатория, ўқув устахоналарини керакли замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб ҳар бир фан бўйича ўқитиш савиясини оширишга эришилди. ЭҲМларда ишлаш ҳар бир ўқитувчининг ўта малакали бўлишини талаб эта бошлади. Ўз соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган ҳар бир ўқитувчи аттестация синфларидан қайта ўтказилиб, энг билимлилари, ўз касбига садоқатлилари танлаб олинди.

Биз фан кабинети ва махсус хоналарни кўздан кечириб жуда қувондик.

— Мактабимизнинг ЮНЕСКОга аъзо қилиб олиниши зиммамизга янги масъулиятлар юклади, — дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, ЮНЕСКОга аъзо мактаблар уюшмаси раиси Баҳодир Розиқов. — Ҳамма фан кабинетлари ва бошланғич синф хоналари замонавий кўргазмали қуроллар билан жиҳозланди. Мактабимизда гимназия синфлари, инглиз тили, иқтисодиёт ва касб-ҳунар синфлари ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Булардан ташқари, турли анжуманлар ўтказиладиган зал, ўзбек хонадони фазилатларини акс эттирувчи хона, моҳир қўллар хонаси ва бошқа хоналар дид билан безатиб қўйилган. ЮНЕСКО томонидан тақдим қилинган компьютер хонасида вилоятдаги илғор, тажрибали ўқитувчиларнинг иш фаолиятини акс эттирувчи китобчалар кўп нусхада нашр этилмоқда.

Энг муҳими, бу ижодкор муаллимнинг фарзандлари — олий тоифали ўқитувчилар — Нодира, Мунаввар, Ҳамза, Ойдин ва Ойбек ҳам ота изидан бориб, ўқитувчиликни шарафлаб келишмоқда. Баҳодир Розиқов ҳақидаги мухтасар ҳикоямизни Шайх Саъдийнинг ушбу ҳикматли мисралари билан якунлаймиз:

Бўлак яхши ном истама, етар —
Яхши одам деса сени эл агар...

Пардабой ЭРГАШЕВ,
Абдулла ЖАЛИЛОВ

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг "Маҳалла — зиё" ўқув залида Фидокорлар миллий демократик партияси ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимияти, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорликда "Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик" мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

Йиғилишда Фидокорлар миллий демократик партиясининг биринчи котиби, Олий Мажлиснинг мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ахтам Турсунов "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қабул қилинажак Қонун лойиҳаси билан йиғилганларни таништирди. У терроризм масалалари хусусида гапирар экан, бу муаммо дунё муаммосига айланиб бўлгани ва унга қарши курашда халқаро бирдамлик зарурлигини таъкидлади. Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг диний ишлар бўйича ўринбосари Рихситилла Акромов ва исломшунос олим Сарвар Абдуллаевлар террорчи гуруҳларнинг асосий мақсадлари хусусида ва уларга қарши маҳаллаларда ҳамда бошқа жойларда қандай курашиш ҳақида маҳалла посбонларига тавсиялар бердилар.

Семинар сўнгида маҳалла посбонлари ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Нодиржон ЮСУПОВ,
ЎзМУ талабаси

«УСТОЗ ВА ШОГИРД»

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 452-болалар боғчасида "Устоз ва шогирд" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Болалар гулшанига ўттиз йил раҳбарлик қилиб, қанчадан-қанча жажжи ўғил-қизларни мактабга тайёрлаган Зуҳра опа Алимовани кексалик нафақасига кузатиш тантанаси бўлди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Шукрулло Икромов тадбирда сўзга чиқиб, Зуҳра опа Алимованинг ўттиз йиллик педагогик фаолияти давомида унинг болажонлиги, изланувчанлиги, ишбилармонлиги, жамоа орасида соғлом муҳит яратганлиги, айниқса, энди ишга келган ёш ходимларга алоҳида аҳамият берганлиги ҳақида батафсил тўхталди.

Кечада сўзга чиққан РТМ ходимлари, боғча мудиралари, маҳалла фаоллари Зуҳра опа ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар. Мураббияга туман халқ таълими бўлими ва болалар боғчаси жамоаси томонидан тайёрланган совғалар топширилди.

Болалар боғчаси дилбандлари — келажаги буюк давлатимиз ворисларини жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли вазифани давом эттириш Зуҳра опанинг шогирди Муҳаббат Бўстонқуловага топширилди.

Ўғилой ЮСУПОВА

The OPEN SOCIETY INSTITUTE – UZBEKISTAN
is pleased to announce a contest for participation in the

Managing Effective Schools
training course

for managers and administrators in English language Education

The intensive one-week English Language Education training course will be held from 13 till 18 November.

Eligible candidates
- Language school directors
- English teachers holding managerial\administrative positions
- University\Institute Deans and Chairs of English Language Departments

Interested applicants should fill out Application Forms and attach
- reference from the work-place certifying the duration of employment
- resume
- statement of purpose written in English (not longer than 1 page)
- letter of recommendation
- essay in English "My school: Challenges and Achievements"

Applications should be submitted to the Open Society Institute
no later than 10 October

For **Application Forms** and additional information please contact OSI-Uzbekistan at:
31 Zarbog Street, Tashkent 700031 (near hotel *Rossia*).
Tel/fax: (371) 1206854, 1522741
E-mail: sayora@osi.uz, svetlana@osi.uz

Хорижлик иштирокчилар спортнинг ушбу тури XXI аср спорти бўлиб қолажагини ишонч билан таъкидламоқдалар.

Бижеттнинг чаплаб ташлаган бўёқларидан қандайдир шаклларни илғаш қийин эмас.

Саодат БЕГИМОВА Шўрчи шаҳрида жойлашган Қори-Ниёзий номидаги 3-ўрта умумтаълим мактабида рус тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Оилали, 3 нафар фарзанднинг севикли онаси. Инсоний фазилатлардан ҳалоллик ва покликни қадрлайди. Қуйида ижодкор муаллима ижодидан намуна берилмоқда.

ХАТО

Бешик узра мунис она
Алла айтар, алла ё.
Муниёкхина қизасна
Соғлик тилар, алла ё.
«Алла айтай ором олгин,
Жоним болам, алла ё.
Хазон бўлма, она бўлгин,
Мамо бўлгин, алла ё.»

Қараб тўймас онаси ҳам,
Жондек қўрар отаси.
«Шу қизиниз бошқача-да»,
Хавас қилар ҳаласи.
«Ўзукка кўз қўйган каби
Ўлимга мос ғамаси,
Ўзим келин қилсам», дея
Орзу қилар аммаси.

Бўйи етиб тўх қизалоқ,
Ғўзалликка бўлди кон.
Шаддот амма қатнайвериб,
Бермай қўйди ҳолу жон.
Қиз қўнглина қўл солмайин,
Жавоб берди онаси.
Рози бўлмай ялоқ йўқ-да,
Асқар, эрнин опаси.

Бахтли бўлсин ойдек келин,
Тахтли бўлсин, ёр-ёр.
Алп келбатли шол йигитга,
Аҳдли бўлсин, ёр-ёр.
Ширин-шакар ғўрғ-қизга,
Баҳри тўлсин, ёр-ёр.
Қўшни йиғит дил изҳори,
Ўнгт бўлсин, ёр-ёр.

Тўйлар ўтди, йиллар ўтди,
Келин йиллар зор-зор.
Аммасининг ширин сўзи,
Қилмас энди уни кор.
Эр бўлмиш-ли, аёлна,
Акаларга меҳри бор.

Аммо йиллар шўрлик келин,
Тўймуш уни этмиш зор.
— Эй, Оллоҳим! Паноҳим!
Менинг не гуноҳим бор.
Нега йиллар қон йиғлатиб,
Этдинг бир тирноққа зор.
Кута-кута фарзанд кўрдим,
Ва лек бўлди дунё тор.
Кўл-оёғи шол-ку, ахир...
Бунга этдинг мени хор.

Йўқ, Оллоҳнинг айби эмас,
Ота-онам ҳатоси.
Шу бўлдими падаримнинг,
Менга берган мероси?!
Оҳ онажон, бахт тилабон,
Бевахт этган ўзиниз.
Юз хотирга этиб қурбон,
Мўттирайди кўзиниз.

Сизни бехад севар эдим,
Нега бундай қилдиниз?
Мен ҳам инсон эдим ахир,
Нахотки унутдиниз?!
Йўқ йиғламан, азизларим,
Тўлманиз кўз ёшиниз.
Сизни севар ҳали-ҳанўз,
Бахти қаро қизиниз...

ТОШКЕНТДА ДУНЁНИНГ БИРИНЧИ РАҚАМЛИ ТЕНИСЧИСИ «ТУҒИЛДИ»



Xullas...

ОШПАЗЛИК — НОЁБ КАСБ

Кишинёв шаҳридаги меҳнат биржаларида ошпазлик энг ноёб касблардан бирига айланиб бораётир. Ошпазлик маълумотини берувчи оддийгина билим юртини тугатганлар ҳам энг ҳашаматли ресторанларга ишга таклиф этилади.

Хўш, нега ошпазлар етишмаяпти? Бунинг сабаби, ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайиб кетган кафе ва барлар билан боғлиқ. Ошпазлар етишмаслиги туфайли умумий овқатланиш корхоналарида собиқ чилангарлар, сувоқчилар ва ҳатто юк ташувчилар ҳам таом тайёрлашмоқда.

МАЙМУН — РАССОМ

Таллин шаҳрида истиқомат қилувчи Светлана Узлова деган аёл маймун ўргатиш бўйича юксак маҳорат эгаси бўлиб чиқди. Унинг хонадонида яшаётган Бижетт лақабли маймун чизган суратлар кўргазмада барчани лол қолдирди.

Маймундаги оддий уринишлар бора-бора унинг қобилиятидан далолат бера бошлади, Бижеттнинг чаплаб ташлаган бўёқларидан қандайдир шаклларни илғаш қийин эмас.

«SL Ohtilent» газетасида босилган хабарда айтиладики, ақлли маймун тиш ювишга, уй тозалашга, телевизордан фойдаланишга ҳам одатланган. Бу маймун, эҳтимол, кейинчалик ўзининг бошқача қобилиятларини ҳам намоён қилса керак...

АЖДАРҲО ШАКЛИДАГИ ЧИРОҚЛАР

Севишганлар ҳар лаҳзада ёниб-ўчувчи ранг-баранг чироқларни Сингапур истироҳат боғида томоша қилишга атайлаб ташриф буюришади. Бундай чироқлар 3 мингта бўлиб, улар Хитойнинг турли жойларидаги усталар томонидан ясалган.

Қизиғи шундаки, мўъжизакор чироқлар аждарҳолар шаклида ишланган. Ва буни томоша қилиш кишини заррача ҳам қўрқувга солмайди.

ana shunaqa gaplar...

Газетамизнинг навбатдаги сони 2000 йил 27 сентябрь куни чиқади

Sport maydonchasi

ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИДАН

Сиднейда кечаётган кескин беллашувларда ҳамюртларимиз ҳозиргача кутилган натижаларни қайд этганича йўқ. Боксчиларимиздан Ў.Ҳайдаров ва дзюдо бўйича А.Штурбабинлар илк учрашувларни бой бериб қўйди. Мерганлик, баттерфлай усулда сузиш мусобақалари ҳам вакилларимиз учун омадсиз бўлди. Лекин асосий баҳслар ҳали олдинда.

КУРАШЧИЛАР ЖЎНАБ КЕТДИ

Душанба куни тунда мамлакатимизнинг эркин ва юнон-рум курашчилари терма жамоаси XXVII олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Сиднейга жўнаб кетди. 10 нафар спортчидан иборат гуруҳ улуғ ниятлар билан, яхши кайфиятда умумжамоа таркибига қўшилди. Уларни кузатиш маросимида йиғилганлар барча олимпиадачиларимизга ишонч билдириб қолдилар.

БМТнинг ТЕННИС ТУРНИРИ

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Тошкентда иккинчи бор ўтказилаётган теннис бўйича йиллик ёшлар турнирининг ташкил этилишига бағишланган матбуот анжуманини ўтказди. Турнир 24-30 сентябрь кунлари Ўзбекистон Миллий банкининг спорт мажмуида бўлиб ўтади. Айни пайтда ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан сўнгги тайёргарлик ишлари кетаяпти.

ФАРҒОНАда «АЛПОМИШ ЎЙИНЛАРИ»

Шу йил 12-14 октябрь кунлари Фарғона шаҳрида «II Алпомиш ўйинлари» фестивали бўлиб ўтади. Фестивалда белбоғли кураш, ўзбек кураши, «Елкада кураш», «Бўрон», «Минди», «Тортишмачоқ», «Тошкўтариш», «Турон», камондан ўқ отиш, куч синашиш каби спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилади.

XXI АСР СПОРТИ

Пойтахтимизда «Ўзбек кураши бўйича ҳозирги замон даражасида халқаро тоифадаги мутахассислар тайёрлаш» мавзусида назарий-амалий семинар иш бошлади. Хорижлик иштирокчилар спортнинг ушбу турида инсонпарварлик ғояси, қадим Шарқ анъаналари мужассамлашгани ва у XXI аср спорти бўлиб қолажагини ишонч билан таъкидламоқдалар.

OXFORD COLLEGES HOSPITALITY SCHEME

CAMBRIDGE COLLEGES HOSPITALITY SCHEME FOR CENTRAL AND EAST EUROPEAN SCHOLARS

April 2001 – March 2002

Oxford and Cambridge universities, in conjunction with the Open Society Institute and the British Council invite applications from scholars from selected countries in Central and Eastern Europe and the former Soviet Union, including Uzbekistan, who wish to work in the universities' libraries or to contact academic specialists in their subjects. At Cambridge, the programme offers one-month visits in one of the Cambridge colleges during the summer months (July-September). At Oxford, the programme offers one-month visits in one of the Oxford Colleges, mostly during the summer months. Scholars will normally be post-doctoral or of equivalent status and will be university teachers or members of research institutes.

Although the precise conditions of the scholarships vary between the two universities, all scholars receive free single accommodation and meals, plus small allowances for photocopying, books, and personal expenses. In some cases the cost of travel may also be met.

Applicants must have a good knowledge of spoken English. Priority will be given to those completing work for an advanced degree or working on a specific project such as a book or a new course of lectures, and to those who have not previously had a chance to study outside of Central and Eastern Europe or countries of the former Soviet Union. Those who will have spent two months or more studying outside of this area during the period 1 April 1999 - 31 March 2001 are not eligible.

Details and an application form can be obtained from:

Submit to:

Kamoliddin Diyarov
OPEN SOCIETY INSTITUTE
ASSISTANCE FOUNDATION (Soros Foundation)
Zarbog 31 (formerly Roza Luxemburg)
Tashkent 700031 Uzbekistan
Tel: (3712) 1206854, 152 2741
E-mail: *kamol@osi.uz*

Completed application forms should be returned to the above office by 20 October 2000.

Study Abroad

For one year with the Undergraduate Exchange Program

Open Society Institute Assistance Foundation-Uzbekistan and The Open Society Institute are now accepting applications for the Undergraduate Exchange Program 2001.

The Undergraduate Exchange is a one-year, non-degree program for second-year students enrolled in university in Eastern and Central Europe, parts of the former Soviet Union and Mongolia. The program is designed to encourage cross-national dialogues among student communities; introduce students from the region to colleagues from other parts of the world; and provide comprehensive student services including orientation, workshops, and alumni/ae activities. Participants attend a university or college in the United States for one year. At the end of the year, they are expected to return home to complete their degrees.

In order to qualify, you must be from:

Azerbaijan,	Kazakhstan	Moldova	Ukraine
Bulgaria,	Kyrgyzstan	Mongolia	Uzbekistan
Belarus,	Latvia	Romania	
Croatia	Lithuania	Slovakia	
Georgia	Macedonia	Tajikistan	

Russia (Nizhniy Novgorod, Novosibirsk, and Vladivostok only)

You must be a current second-year student studying at the undergraduate level:

American Studies	Comparative Literature	Fine or Performing Arts	Journalism
Art History	Cultural Anthropology	History	Political Science
Classical Studies	Economic Theory	International Relations	Sociology

- All applicants must be in their second year at an accredited university in their home country when applying and must have at least one year of study remaining at their home university when they return.
- Have an outstanding academic record.
- Have spent previous two years in residence in home country.
- Have notattended high school in the United States for more than one academic semester.
- Fluent in reading, writing, and speaking English.

To receive an application please contact:
Open Society Institute Assistance Foundation-Uzbekistan
Zarbog 31street,(Formerly Roza Luxemburg)
Tashkent 700031, Uzbekistan
Contact person: Kamoliddin Diyarov
E-mail: *kamol@osi.uz*
Tel/Fax: (371) 1206854,1522741

Application Deadline: December 1, 2000

QUTLOV

Ҳурматли устозимиз Динара АЛИЕВА!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан мубораклаб этамиз.

Ўқитувчиларнинг устози сифатида шаҳримизнинг барча ўқитувчилари меҳр ва ҳурматига сазовор бўлдингиз. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт ва олижаноб ишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси

ГАЙМОРИТ НИМА?

Mutaxassis maslahati

Бу касаллик бурун бўшлиғидаги шиллиқ парданинг яллиғланишидан келиб чиқади. Яллиғланиш жараёнига бурун бўшлиғининг ҳар иккаласи ҳам қўшилиши мумкин, аммо зарарланиш суръати бўйича юқори жағ суягининг бурун бўшлиғига туташ бўшлиғи, яъни гаймор бўшлиғи биринчи ўринда туради, сўнг этмоидит, фронтит, сфеноидит. Зарарланишнинг бундай кетма-кетлиги катталарда ва 7 ёшдан катта болаларда тез-тез учраб туради. 3 ёшгача бўлган болаларда панжарасимон бўшлиқнинг ўткир яллиғланиши (этеоидит) (80-92 фоизгача), 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда эса панжарасимон ҳамда юқори жағ суягининг бурун бўшлиғига туташ бўшлиқларининг бирлашиб яллиғланиши кузатилади.

Бу касалликни ҳар томонлама ўрганиш XIX аср бошида бошланди, даволаш усуллари 1888 йилда жорий қилиниб, шу кунга қадар ўзининг диагностик ва даволаш аҳамиятини йўқотмаган.

Ўткир синеритлар, қоидага кўра, ўткир респиратор касалликлари ва грипп пайтида ривожланади. Бурундан қон кетганда уни тампонлаш, бурун ва бурун атрофидаги бўшлиқ шикастланиши ҳам ушбу касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, гайморитларнинг пайдо бўлишида тиш жағларининг касалланиши (одонтоген гайморитлар) ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Синуитлар пайтида касаллар доимий шикоятининг бири — бу бош оғриғидир. Оғриқ синдроми билан бир пайтда бурунининг тўлиб қолиши кузатилади. Мабодо бу жараён бир томонлама бўлса, унда бир томондан нафас олиш қийинлашади. Шу билан бирга бурундан шиллиқли-йиринги ёки йиринги фасод чиқади. Бурунининг тўлиб (битиб) қолиши ҳид сезишни пасайтиради. Шунингдек, гайморитларнинг маҳаллий симптомларига кўра, юз атрофидаги оғриқни ҳис қилиш, оғриқ сезилган томонда тиш оғриши, кўз босими, бурундаги шиллиқ ўтказувчи жараённинг бузилиши оқибатида кўздан тинимсиз ёш оқиши кузатилади.

Ана шундай белгилар пайдо бўлганда касаллар ЛОР-клиникага ўз вақтида диагностика қилиш ва касалликни даволаш учун боришлари шарт. Организмни антибиотик билан даволашда аллергияга қарши воситалар (диазолин, демидрол, супрастин, тавегиль ва ҳоказо) билан биргаликда қабул қилиш тавсия қилинади.

Ушбу аллергияга қарши препаратлар яллиғланишини камайтиради ва бу билан бўшлиқдан йиринг чиқиб кетишини тезлатади. Томирларни торайтирувчи томчилар ҳам белгиланади: эфедрин, санорин, галозолин, нафтезин суюқликлари ва ҳоказо. Шиллиқ пардаси кўламининг кичрайиши бўшлиқларнинг кенгайишини таъминлайди ва суюқлик(экссудат)нинг оқиб чиқиб кетишини енгиллаштиради.

Ушбу касалликнинг олдини олиш учун грипп эпидемияси даврида аскорбин кислотаси ёки "С" витаминини кунига 3-4 марта, эрталаб оч қорнига дибазолнинг битта таблеткасини ичиш, бурунга интерферон томчисини томизиш, бурун ичини тузли сув билан ювиш тавсия қилинади.

Шаҳло БОҚИЕВА

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: **Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ**

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Жамшид САЪДИНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-817. Тиражи 19.037.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.